

اِذَا فَرَغْتَ مِنْ لَسَانِكَ فَمَنْ لَكَ لِسَانُكَ فَإِنْ لَمْ يَنْتَهِ عَنِ السُّبْحِ وَالْمَسَاءِ وَالنَّهْرِ وَاللَّيْلِ وَالنَّجْوَى وَالسُّكْرِ وَالْخَمْرِ وَالشَّوْبِ وَالسُّبْحِ وَالْمَسَاءِ وَالنَّهْرِ وَاللَّيْلِ وَالنَّجْوَى وَالسُّكْرِ وَالْخَمْرِ وَالشَّوْبِ

Яъло розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам очик жойда изорсиз ғусл қилаётган одамни кўриб қолдилар. Бас, минбарга чиқдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг:

«Албатта, Аллоҳ ўта ҳаёли ва ўта тўсингандир. Бирортангиз ғусл қилса, тўсилиб олсин», дедилар».

Абу Довуд ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввал ҳадиснинг ровийси Яъло розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Яъло ибн Мурра ас-Сақафий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фазийлатли саҳобаларидандирлар. Ҳудайбия, Хайбар, Макка фатҳи, Ҳавазон, Тоифдаги жанглarda иштирок этганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга борганларида узум келтирган саҳоба шу киши эдилар.

Яъло Али розияллоҳу анҳунинг асҳобларидан бўлиб, Куфа, Басра шаҳарларида истиқомат қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадислар ривоят қилдилар. Бу зотдан ўғиллари Абдуллоҳ, Саид ибн Абу Рашид ва бошқалар ривоят қилганлар.

Бу киши ривоят қилган ҳадислардан баъзиларини уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларнинг шариат ҳукмларига амал қилишларини доимо зийраклик билан кузатиб, йўл қўйилган хатоларни ўз ўрнида тузатиб борар эдилар. У зот соллаллоҳу

алайҳи васаллам бу тузатиш ишларини шароитга, шахсга, хатога қараб, энг мос усулини топар ва турлича муолажа қилар эдилар.

Гоҳида юқоридаги ўтган ҳадисдаги Жарҳад розияллоҳу анҳуга қилган муомалалари каби, хатога йўл қўйган одамнинг ўзини огоҳлантирар эдилар.

Агар хато кенгроқ миқёсда бўлса, ўша атрофда турганларни ҳам бохабар қилиб қўяр эдилар.

Гоҳида эса ушбу ҳадисда келгани каби, намоздан кейин минбарга чиқиб, ҳаммага тушунтирар эдилар.

Кунлардан бирида Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ўзи, лекин очиқ жойда яланғоч ҳолда ғусл қилаётган бир одамни кўриб қолдилар. Бу хатони тузатишга аҳд қилдилар. Масжидда намоз ўқилганидан кейин минбарга чиқиб, хутба қилдилар. Одатларига кўра, гапни Аллоҳ таолога ҳамду сано айтишдан бошладилар. Сўнгра:

«Албатта, Аллоҳ ўта ҳаёли ва ўта тўсингандир. Бирортангиз ғусл қилса, тўсилиб олсин» дедилар».

Бу сўзларда одоб-ахлоқнинг олий даражаси ўз ифодасини топган. Муслмонлар ичидаги мавжуд камчиликларни муолажа қиладиган ваъзхонлар ва хатиблар бундан ўртак олишлари керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фалончини фалон жойда қип-яланғоч ғусл қилаётганини кўрдим, шу ҳам иш бўлдими, демадилар. Бошқа шунга ўхшаган гапларни ҳам айтмадилар. Балки аввал Аллоҳнинг ўта ҳаёли эканлигини эслатиб, муслмонларни ҳам ўта ҳаёли бўлишга ундадилар. Аллоҳнинг ўта тўсилган эканлигини эслатиб, муслмонларни ҳам ўта тўсилишга ундадилар. Сўнгра асосий мақсадга кўчиб, тўсилиб олиб ғусл қилиш кераклигини баён қилдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Баъзи кишилардан содир бўлган ношаръий ишларни тузатишга шошилиш кераклиги.
2. Холи, очиқ жойда бировнинг кўриб қолиш эҳтимоли борлиги учун яланғоч ҳолда ғусл қилмаслик.
3. Намоздан кейин ваъз қилиб, баъзи хатоларни тузатиш жоизлиги.

4. Минбарда гапни ҳамду сано билан бошлаш.
5. Аллоҳнинг ўта ҳаёли, ўта тўсинган сифатлари борлиги.
6. Муслмонларни Аллоҳнинг сифатларидан ўрнак олишга чақириш жоизлиги.
7. Авратни доимо тўсиб юришга ҳаракат қилиш лозимлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.